



ВОРИСЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Кучимова Шахло Абдусайтовна

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Аннотация

Ушбу мақолада ворислик тушунчаси ва унинг моҳияти ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Муаллиф ворислик ҳуқуқининг асосий тамойиллари, ҳуқуқий ворислик тушунчаси ва унинг мазмунини шарҳлаб, ворислик жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқади. Мақолада, шунингдек, мерос ҳуқуқининг ривожланиш тарихи, ворислик асослари ва ҳуқуқий жиҳатлари, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар мерос тариқасида ўтиш шартлари таҳлил қилинади.

Мақолада хорижий мамлакатларнинг ворислик ҳуқуқига оид қонунчилик тажрибаси ҳам кўриб чиқилиб, ворислик жараёнида юзага келадиган мураккаб масалалар таҳлил қилинади. Нотариал амалиётда дуч келинадиган асосий муаммолар, уларнинг ечимлари ва ворислик институтининг такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинади. Шунингдек, ворислик ҳуқуқининг келажакдаги ривож ва унинг замонавий ҳуқуқий тизимдаги ўрни ёритилади.

Калит сўзлар: Ворислик ҳуқуқи, ворислик тушунчаси, мерос ҳуқуқи, ҳуқуқий ворислик, мулк ҳуқуқи, Фуқаролик кодекси, нотариал амалиёт, халқаро тажриба, номулкӣ ҳуқуқлар, ҳуқуқий муносабатлар

SOME ASPECTS OF THE CONCEPT AND ESSENCE OF SUCCESSION

Abstract

This article analyzes the concept of inheritance and its essence from a legal perspective. The author explains the fundamental principles of inheritance law, the concept of legal succession, and its significance while examining the legal



relationships that arise in the inheritance process. The article also explores the historical development of inheritance law, the foundations and legal aspects of inheritance, and the conditions for the transfer of property and non-property rights through inheritance.

Additionally, the article reviews the legislative experience of foreign countries regarding inheritance law and analyzes complex issues arising in the inheritance process. The main challenges encountered in notarial practice, their solutions, and ways to improve the inheritance institution are discussed. Furthermore, the article highlights the future development of inheritance law and its role in the modern legal system.

Keywords: Inheritance law, concept of inheritance, inheritance rights, legal succession, property rights, Civil Code, notarial practice, international experience, non-property rights, legal relations.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПОНЯТИЯ И СУЩНОСТИ ПРАВОПРЕЕМСТВА

Аннотация

В данной статье анализируются понятие наследования и его сущность с юридической точки зрения. Автор раскрывает основные принципы наследственного права, понятие правопреемства и его содержание, рассматривая возникающие в процессе наследования правовые отношения. Также в статье исследуется историческое развитие наследственного права, основы и правовые аспекты наследования, а также условия перехода имущественных и неимущественных прав в порядке наследования.

Кроме того, в статье рассматривается законодательный опыт зарубежных стран в области наследственного права и анализируются сложные вопросы, возникающие в процессе наследования. Обсуждаются основные проблемы нотариальной практики, пути их решения и способы совершенствования института наследования. Также подчеркивается будущее развитие наследственного права и его роль в современной правовой системе.



Ключевые слова: наследственное право, понятие наследования, наследственные права, правопреемство, имущественные права, Гражданский кодекс, нотариальная практика, международный опыт, неимущественные права, правовые отношения.

Инсон дунёга келар экан, ўзининг ҳаёти давомида кўплаб ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар Фуқаролик кодексининг 18-моддасида белгиланган ҳуқуқ лаёқатининг мазмунида белгиланган ҳуқуқлар ва бошқа бир қатор табиий ҳуқуқлардан иборат бўлади. Мана шу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан у ҳаётлиги давомида фойдаланар экан ўзининг ҳуқуқларини амалга ошириб муайян бир мажбуриятларини ўзининг зиммасига олар экан, уларга риоя қилиш, бажариш амалга ошириш билан бирга вафотидан кейин шу ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларнинг тақдири масаласини ҳал этиши лозим бўлади. Амалдаги фуқаролик қонунчилиги жисмоний шахснинг туғилишидан тортиб киришадиган барча ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш баробарида шу жисмоний шахс вафотидан кейин, ундан қоладиган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тақдири масаласидаги қоидаларни ҳам назарда тутати. Бу фуқаролик қонунчилигида ворислик ҳуқуқи деб аталади.

Ворислик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институти бўлиб, инсоният яратилган пайтдан бошлаб то шу кунга қадар узоқ йўлни босиб ўтган энг қадимий ҳуқуқий институтлардан бири саналади. Ворислик ҳуқуқи шахс вафотида кейин, унинг мол-мулки қандай ҳуқуқий мақомга эга бўлиши, шу мол-мулкка нисбатан кимлар эгалик қилиши кимларга ўтиши масаласини белгилаб беради. Одатда ҳуқуқшуносликда шахснинг вафоти ўзига хос юридик факт саналади. Бу юридик факт муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, яъни шахс вафот этганидан кейин у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақдири қонунчилик нуқтаи назаридан ҳал этилмоғи лозим.

Малумки, шахсга тегишли ҳуқуқлар икки турга, яъни мулкӣ ҳуқуқлар ва шахсий номулкий ҳуқуқларга бўлинади. Ўз навбатда, шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳам икки турга, яъни: кишининг шахси билан чамбарчас бўлган



хуқуқлар ва шахси билан бевосита боғлиқ бўлмаган хуқуқларга ажратилади. Масалан фуқаронинг шахси билан боғлиқ бўлган хуқуқлар жумласига инсоннинг шаъни кадр-қиммати каби хуқуқлар кирса, унинг бевосита мулк билан боғлиқ бўлган шахсий хуқуқларига ворислик, муаллифлик ҳуқуқи, патентга бўлган ҳуқуқ, муаллифлик гувоҳномаси шу кабилар киради. Шу масалаларнинг тақдирини ҳал қилиш бевосита ворислик институти билан амалга оширилишига эса қонун йўл қўйди. Бошқача айтганда, фуқаро нафақат бутун ҳаёти давомида ўзига қонуний асосларда тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилади, балки вафотидан кейин ҳам ушбу мол-мулкнинг юридик тақдири борасидаги аниқ кўрсатмаларни белгилаб қўйиш ҳақли саналади.

Юридик адабиётларда фуқаронинг ўз мол-мулки тақдирини вафотидан кейин белгилашига бўлган ҳуқуқининг табиати борасида муайян фикрлар билдирилган. Хусусан, Р.Мухаммедовнинг ёзишича “муносабатда турган ҳар бир шахс муайян бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, бундай ҳуқуқ ва мажбурият, қоида тариқасида, шахс вафот этгандан сўнг ҳам ўз кучини сақлаб қолади, бошқача қилиб айтганда, шахснинг вафот этиши бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди”¹.

А.П.Сергеев ва Ю.К.Толстойлар фикрича “вафот этган шахс – мерос қолдирувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини ворислик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ унинг меросхўрларига ўтиши”дир ². Е.А.Сухановнинг нуқтаи назарига кўра ворислик асосида меросхўрларига ўтадиган ҳуқуқлар мулкӣй, айрим ҳолатларда эса шахсий номулкӣй характерга эга бўлади³.

К.И.Паюшин таъкидлашича “меросни қонунда белгиланган тартибда бошқа шахслар (меросхўр)га ўтадиган мерос қолдирувчининг мулкӣй ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси (ашёларнинг эмас, мулкӣй ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг йиғинидиси назарда тутилди) сифатида талқин қилади”⁴.

В.И.Серебровский⁵, шунингдек Б.С.Антимонов ва К.А.Граве⁶ каби айрим

¹ Мухаммедов Р. Мерос ҳуқуқт. – Тошкент: 1998. – 5 б.

² Гражданское право / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – Т. 3. – М.: Статут, 1999. – С. 521.

³ Гражданское право: В 2 т. / Отв. ред. Е. А. Суханов. – Т. I. – М.: БЕК, 2000. – С. 533.

⁴ См. подробнее: Паюшин К.И. Наследственное право // В мире права. – 1999. – № 1. – С. 18.

⁵ Серебровский В. И.. Очерки советского наследственного права. – М., 1953. – С. 44.

⁶ Антимонов Б.С., Граве К.А. Наследственное право. – М., 1955. – С. 47.



муаллифлар ворислик ва ҳуқуққа ворислик тушунчалари синоним эканлигини таъкидлашади. Бунда ҳуқуқий ворислик шу билан тавсифланадики, унда ҳуқуқий вориснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтмишдош (ҳуқуқни берувчи)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига боғлиқ бўлиб қолади⁷.

Бизнинг назаримизда, цивилистикада айрим муаллифларнинг ҳуқуқий ворислик категориясини рад этиш ҳақидаги фикрларининг мавжудлиги кизиқарлидир. Масалан, Н.Д.Егоровнинг фикрича, ворисликни сўз ҳуқуқий ворислик тўғрисида эмас, балки ҳуқуқ объектларининг ворислиги хусусида бориши лозим⁸. Шу билан бирга, ворисликда нафақат неъматлар балки, уларга тегишли эгалик ҳам ўтади. Ўхшаш нуқтаи назарни В.И.Серебровскийнинг асарларида ҳам кузатиш мумкин ва у мерос таркибини мерос ҳажмининг активлари билан чеклайди, гарчи у мерос деганда меросхўрга ўтадиган ҳуқуқ объектларини эмас, балки ҳуқуқларни эътироф этса-да⁹.

Ж.И.Юлдашевнинг “мерос – ҳаётлигида фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, унинг вафот этиши оқибатида мазкур мол-мулк, мулкӣ ҳамда мулк билан боғлиқ шахсий-номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг (мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқ, талаб қилиш ҳуқуқи, бошқа шахслар олдидаги мажбурият ҳамда қарзлари) учинчи шахсга ўтиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси”дир¹⁰ деб ҳисоблайди.

Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига кўра ворислик икки асосда яъни васият ва қонун бўйича юзага келади ва шу асосда амалга оширилади. Агар вафот этган шахс ўзидан кейин қоладиган мол-мулкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг юридик тақдирини белгиламаса, белгилашга улгурмаса ёки бошқача айтганда васият қолдирмайдиган бўлса унда қонун бўйича ворислик вужудга келар экан. Қонунчилик даставвал вафот этаётган шахсга, ўзидан кейин яъни унинг вафотидан кейин унга тегишли мол-мулкнинг юридик тақдири қандай бўлишини белгилаш имкониятини тақдим этади. Бу

⁷ См.: Черепяхин Б. Б. Правопреемство по советскому гражданскому праву. – М., 1962.

⁸ Егоров Н. Д. Единство и дифференциация гражданско-правового регулирования общественных отношений. Автореф. дисс... док. юрид. наук. – Л.: ЛГУ, 1988. – С. 30 – 32.

⁹ Серебровский В. И. Очерки советского наследственного права. – М., 1953. – С. 31.

¹⁰ Yuldashev J.I. Vorislik va oila huquqi. Darslik. yuridik fanlar doktori, professor O. Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – T.: TDYUI nashriyoti, 2024. – 7-b.



жисмоний шахга берилган субъектив ҳуқуқ, субъектив имконият бўлиб фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари, яъни юридик шахсга ва давлатга нисбатан бундай имконият тақдим этилмайди. Демак шахсга тегишли васият қолдириш ҳуқуқи унинг субъектив ҳуқуқи бўлиб у истаса амалга оширади истамаса амалга оширмайди ёки у ўшани амалга оширишга улгурмасдан ҳам вафот этиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эса қонун бўйича ворислик вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, ворисликнинг вужудга келишининг дастлабки асоси васиятнома, агар васиятнома бўлмаса қонун бўйича ворислик асосида юзага келади ва шунга кўра ворислик белгиланиб ва шу асосда вафот этган шахснинг мол-мулки кимга ўтиши, ким мулкга нисбатан ҳуқуқдор бўлиши каби масалалар ҳал этилади.

Шу жиҳатдан ворислик фуқаронинг муомала лаёқати таркибига кирувчи ҳуқуқ бўлиб, у орқали фуқаро вафотидан кейин ўзига тегишли мол-мулкнинг, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юридик тақдирини белгилайди. Бунда фуқаро мол-мулкнинг барчасига нисбатан ёки ушбу мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан ўз хоҳишини васият қилишга ҳақли ҳисобланади. Албатта, фуқаронинг васият қилиш ҳуқуқи муайян мол-мулк ёки унинг бир қисмига нисбатан чекланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда меросни эгаллаш бевосита мерос мажбуриятини бажариш, умумий мулкдан мерос мол-мулкни ажратиш, улушлар ёки бошқа мулкый талаблар доирасини аниқлаш лозим бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ворислик фуқаролик-ҳуқуқий институ бўлиб, фуқаролик ҳуқуқ субъектчилигининг якунловчи ва у якунланганидан кейин вафот этган фуқаронинг мол-мулки ва меросхўрлари ўртасидаги ҳуқуқий алоқадорликни аниқлаш ва мерос қолдирувчига тегишли мол-мулкнинг уларга ўтишини назарда тутувчи қоидаларни жамлайди. Бошқача айтганда, ворислик фуқаронинг субъектив ҳуқуқи сифатида у томонидан шахсан, эркин тарзда амалга оширилиши ва бошқа шахсларнинг салбий таъсиридан холи бўлиши лозим. Шу сабабли қонунчиликда васият қилиш ёки ворисликни ҳал қилиш шахсан амалга оширилиши қатъий белгиланган.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухаммедов Р. Мерос ҳуқуқт. – Тошкент: 1998. – 5 б.
2. Гражданское право / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – Т. 3. – М.: Статут, 1999. – С. 521.
3. Гражданское право: В 2 т. / Отв. ред. Е. А. Суханов. – Т. I. – М.: БЕК, 2000. – С. 533.
4. Паюшин К.И. Наследственное право // В мире права. – 1999. – № 1. – С. 18.
5. Серебровский В. И.. Очерки советского наследственного права. – М., 1953. – С. 44.
6. Антимонов Б.С., Граве К.А. Наследственное право. – М., 1955. – С. 47.
7. Черепяхин Б. Б. Правопреемство по советскому гражданскому праву. – М., 1962.
8. Егоров Н. Д. Единство и дифференциация гражданско-правового регулирования общественных отношений. Автореф. дисс... док. юрид. наук. – Л.: ЛГУ, 1988. – С. 30 – 32.
9. Yuldashev J.I. Vorislik va oila huquqi. Darslik. yuridik fanlar doktori, professor O. Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – T.: TDYUI nashriyoti, 2024. – 7-b.